

2026 йил 1-ярим йиллигида коррупция фактларига доир мурожаатларни кўриб чиқиш натижалари ҳақидаги ҲИСОБОТ

I. Умумий маълумот

Бугунги кунда Вазирликда коррупциявий хатти-ҳаракатлар ва манфаттлар тўқнашуви эҳтимоли мавжудлигига доир жисмоний ва юридик шахсларнинг хабарларини тегишли (6 та) алоқа каналлари орқали қабул қилиш тизими йўлга қўйилган.

Жумладан жорий йилнинг 1-ярим йиллиги мобайнида коррупция фактларига ҳамда манфаатлар тўқнашувига доир жисмоний ва юридик шахслар томонидан 25 та мурожаат келиб тушган бўлиб, уларнинг барчаси Ички назорат тузилмалари ходимлари томонидан қонун доирасида атрофлича ўрганиб чиқилган.

II. Кўриб чиқиш натижалари

Мазкур мурожаатларни кўриб чиқиш натижалари бўйича 25 та мурожаатдан 4 таси ўз тасдиғини топган ҳамда ўрганиш якунлари бўйича 5 нафар мансабдор шахсга нисбатан “хайфсан” интизомий жазо чораси қўлланилган ҳамда 1 нафар ходим эгаллаб турган лавозимидан озод қилинган.

Жумладан:

- 4 та мурожаат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юборилган;
- 4 та мурожаат ижобий ҳал этилган;
- 9 та мурожаат юзасидан ҳуқуқий тушунтиришлар берилган;
- 2 та мурожаат тегишлилиги бўйича юборилган;
- 3 та мурожаат асоссиз бўлиб, ўз тасдиғини топмаган;
- 2 та мурожаат аноним деб топилган;
- 1 та мурожаат кўрмасдан қолдирилган.

III. Минималлаштириш чоралари

Коррупция фактларига доир келиб тушган мурожаатлар, хизмат текширувлари ва мониторинг натижалари таҳлили асосида аниқланган коррупциявий хавф-хатарларни, шунингдек, уларнинг келиб чиқиш сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш, Вазирлик марказий аппарати ва тизим ташкилотлари фаолиятида коррупциянинг олдини олишга қаратилган таъсирчан ташкилий ва ҳуқуқий чора-тадбирларнинг амалга оширилиши ҳамда уларнинг натижадорлиги тўғрисидаги маълумотлар расмий веб-сайтда мунтазам равишда эълон қилиб борилмоқда.

**Коррупцияга қарши курашиш ва
комплаенс назорат бўлими**